ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДЖАНОВА НОЗИМАХОН АЗИМХОДЖАЕВНА

КЎП ТИЛЛИЛИК МУҲИТИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНТЕРФЕРЕНТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13.00.01−Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК:494.375:371.3

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Pedagogical sciences

Мамаджанова Нозимахон Азимходжаевна
Кўп тиллилик муҳитида умумтаълим мактаби ўқувчиларининг интерферентив компетенциясини шакллантириш.....4-22

Мамаджанова Нозимахон Азимходжаевна
Формирование интерференционных компетенций у учащихся общеобразовательных школ в многоязычной среде.....23-43

Mamadjanova Nozimakhon Azimkhodjayevna
Forming interference competence in pupils of secondary schools in multilinguial sphere.....44-47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 48-49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДЖАНОВА НОЗИМАХОН АЗИМХОДЖАЕВНА

КЎП ТИЛЛИЛИК МУҲИТИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИНТЕРФЕРЕНТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13.00.01−Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2020.2.PhD/Ped150 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мухитдинова Хадича Собировна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахмедова Лайло Толибжоновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Кадирова Мунира Расуловна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доц.

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc. 03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « _____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунѐдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунѐдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-76-87.

Диссертация автореферати 2021 йил «___ » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баѐнномаси)

Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси,

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим муассасаларида кўп тиллилик муҳитида тил ўрганувчиларнинг интерферентив компетенциясини шакллантиришнинг коллаборатив ва индивидуал таълим технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. Канаданинг Мак Гил университети ва Нейросайнс когнитив марказида билингвизм ҳодисасининг нейролингвистик хусусиятлари, АҚШнинг Платсбург университетида тилларни ўрганишда психологик афазия ҳолатлари, Буюк Британиянинг Кембридж, Германиянинг Дармштат университетларида ва Венгрия Фанлар академиясида кўп тиллилик муҳитида тил ўрганувчиларнинг интерферентив компетенциясини шакллантириш бўйича йирик амалий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида соҳалараро ўқувчиларнинг тилларни амалий қўллаш лаёқатини шакллантириш, компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни такомиллаштириш ва кўп тиллилик муҳитида интерферентив компетенцияни шакллантиришга оид илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иккинчи тил таълимида она тилининг салбий таъсирини бартараф этишнинг лингвистик, дидактик, илмий-методик ва педагогик имкониятларини кенгайтириш, тил ўқитишда ўқувчиларда мавжуд тил тажрибалари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда умумтаълим мактабларида хорижий тажрибалар асосида кўп тиллилик муҳитида тилларни ўрганиш, ўқувчиларнинг интерферентив компетенциясини шакллантириш, ўқув мазмунини халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштириш, PISA халқаро тизими асосида мувофиқлаштирилган миллий баҳолаш тизими ишлаб чиқиш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини кенгайтиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”[1], таълим тизими соҳасидаги устувор вазифалар этиб белгиланди. Натижада, кўп тиллилик муҳитида умумтаълим мактаби ўқувчиларининг интерферентив компетенцияларини шакллантириш имкониятлари яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 25 январдаги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга доир тадқиқотлар республикамизда Ф.Алимов, Ю.Асадов, М.Ваҳобов, У.Жуманазаров, К.Рискулова, Н.Турдиевлар, тилларни ўқитишда интерференция ҳодисасини бартараф этишнинг назарий масалалари Л.Ахмедова, В.Бельдиян, М.Джусупов, М.Ирисқулов, Г.Махкамова, Х.Мустафоева, Ф.Рашидова, Т.Саттаров, Г.Собирова, Ў.Юсуповлар томонидан тадқиқ этилган. Иккинчи тилни ўқитишда она тилининг таъсири муаммолари Э.Азларов, О.Азизов, Г.Асилова, Х.Мухитдинова, Ф.Қодировалар, методик жиҳатлари Ж.Жалолов, С.Мисиров, Р.Толипова, Р.Юлдашев, К.Қодироваларнинг тадқиқот ишларида ёритилган.

МДҲ давлатларида кўп тиллилик шароитида она тилининг ўрганилаётган тилларга салбий таъсирини бартараф этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари К.Алиева, Ж.Багана, М.Богус, А.Бурнисса, Г.Гасанова, Л.Гаярский, М.Гончар, В.Дмитриева, М.Кубланова, Т.Курохтина, Н.Федорова, Ю.Трегубова, Л.Шчербаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда интерферентив компетенция, икки тиллилик шароитида тилларарo интерференция, лингвистик интерференция ва унга таъсир этувчи омилларнинг назарий масалалари юзасидан P.Coppens, Ch.Hopkinson, M.Paradis, S.Pasha, G.Toth, M.Troike лар илмий изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг “Ўзбекистонда олий таълим соҳасида таълимни интернационализация ва модернизация қилиш” (2015–2017 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп тиллилик муҳитида умумтаълим мактаби ўқувчиларининг интерферентив компетенциясини шакллантириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интерферентив компетенциянинг кўп тиллилик муҳитида юзага келиш омиллари, унинг дидактик, социолингвистик, психологик ва ижтимоий-педагогик жиҳатларини таҳлил этиш;

кўп тиллилик муҳитида она тили интерференцияси билан боғлиқ педагогик-психологик имкониятларни аниқлаш;

интерферентив хатоларни бартараф этишга йўналтирилган интерферентив компетенцияни шакллантириш механизмини такомиллаштириш;

кўп тиллилик муҳитида умумтаълим мактаби ўқувчиларининг интерферентив компетенциясини шакллантирилган кўрсаткичларини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кўп тиллилик муҳитида умумтаълим мактабларининг 1-9-синфлари ўқувчиларининг интерферентив компетенциясини шакллантириш жараёни бўлиб, тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳридаги 204-, 200-, 283-мактаблар, Тошкент вилоятидаги 6-, 14-мактаблар, Фарғона вилоятидаги 59-мактабларда ўтказилди ва 1623 нафар респондентлар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини умумтаълим мактабларида интерферентив компетенцияни шакллантириш технологиялари, шакли ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида қиёсий таҳлил, анкета, педагогик кузатув, суҳбат, таққослаш, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

биринчи хорижий тил кўникмаларининг иккинчи хорижий тилга ижобий таъсири тилнинг генетик омили-қардошлик ва ноқардошлик хусусиятларини белгиловчи педагогик имкониятлари кучли, кучсиз, имплицит, эксплицит, ички, ташқи интерференция ҳодисаси турлари, инновацион ва ижодий фаолият компонентларини лингвистик компетенцияларга оптималлаштириш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг тил тажрибалари асосида дифференциациялашган гуруҳларда интерферентив компетенцияни шакллантиришнинг фаолиятли, рефлексиф ва педагогик имкониятлари ижодий фаоллик, креативлик ўз ўзини баҳолаш, индивидуал ривожлантириш ҳамда информацион, операцион, мотивацион, коммуникатив машқлар ва лойиҳа иши каби дидактик компонентларга устуворлик бериш асосида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари орқали такомиллаштирилган;

интерферентив компетенцияни шакллантириш механизми индивидуал, дифференциал таълим технологияларининг ижодий, эмоционал-рағбатловчи, вариатив воситаларини коллоборатив ва материалларни моделлаштириш, вариантлаш, уларнинг компонентлари ҳамда компетенцияларга дахлдор ички турларини аниқлаш орқали ўқув машғулотларининг ташкилий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи жиҳатларига интеграциялаш орқали такомиллаштирилган;

кўп тиллилик муҳитида ўқувчиларнинг асосий нутқий меъёрларни тушуниш кўникмалари ўқиш ва тинглаб тушунишга оид машқ турларини ўзлаштиришга оид интерферентив компетенциясининг шаклланганлик даражаси прагматик, лексик-семантик, коммуникатив, психофизиологик,

талабаларнинг форматив ва диагностик баҳолаш мезонлари ҳамда самарали машқлар тизимини интегратив ёндашув орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида тилларни ўқитишда интерферентив компетенцияни шакллантиришнинг инновацион таълим технологиялари (табақалаштириб ўқитиш, коллаборатив, индивидуал таълим технологиялари ва ўйин технологиялари) ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларининг 1-9-синфлари "Инглиз тили" дарсликларидаги машқларга интерферентив хатоларни бартараф этишга йўналтирувчи қўшимча топшириқлар тизими ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларида тилларни ўқитишда ўқувчиларнинг интерферентив компетенциясини шакллантиришга қаратилган баҳолаш тизими ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илгари сурилаётган фикрларнинг таълим соҳасида республика ва хорижий давлатлар олимларининг тадқиқот ишлари, шунингдек, илғор ўқитувчилар амалиётига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган машқ ва топшириқлар тизими ҳамда интерферентив компетенцияни шакллантириш механизми тажриба-синовдан ўтказилиб, олинган натижаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари билан далилланганлиги, тажриба-синов ишларининг таҳлили орқали аниқланган тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатдан мувофиқлиги таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тил интерференциясини келтириб чиқарадиган омиллар ва уларнинг салбий оқибатлари ўрганиб чиқилганлиги, умумтаълим мактабларида тил ўқитишда тил интерференцияси билан боғлиқ типик хатолар, қийинчиликлар аниқланганлиги ҳамда инглиз тили мисолида ўқув дастурлари ва дарсликларида мавжуд имкониятларни такомиллаштириш йўллари кўрсатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иккинчи тил таълими жараёнида интерферентив хатоларнинг олдини олиш ва она тилининг салбий таъсирини бартараф этишга қаратилган машқ ва топшириқлар тизими, илмий-методик ишланмалар ишлаб чиқилгани, инглиз тилини ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартида белгиланган лингвистик компетенциялар асосида баҳолаш мезонлари такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида интерферентив компетенцияни шакллантириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

биринчи хорижий тил кўникмаларининг иккинчи хорижий тилга ижобий таъсири тилнинг генетик омили-қардошлик ва ноқардошлик хусусиятларини белгиловчи педагогик имкониятлари кучли, кучсиз, имплицит, эксплицит, ички, ташқи интерференция ҳодисаси турлари, инновацион ва ижодий фаолият

компонентларини лингвистик компетенцияларга оптималлаштириш асосида аниқлаштиришга оид таклифлар “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар изоҳли луғатини тузиш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 89-03-3343-сон маълумотномаси). Натижада, амалиётчи ўқитувчиларнинг методик савияларини кўтаришга ёрдам берган;

ўқувчиларнинг тил тажрибалари асосида дифференциациялашган гуруҳларда интерферентив компетенцияни шакллантиришнинг фаолиятли, рефлексиф ва педагогик имкониятлари ижодий фаоллик, креативлик ўз ўзини баҳолаш, индивидуал ривожлантириш ҳамда информацион, операцион, мотивацион, коммуникатив машқлар ва лойиҳа иши каби дидактик компонентларга устуворлик бериш асосида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари орқали такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-197 рақамли “Инглиз тили ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 89-03-3343-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларга қўйиладиган баҳоларнинг холислиги ва шаффофлигини таъминлаш имконияти оширилган;

интерферентив компетенцияни шакллантириш механизми индивидуал, дифференциал таълим технологияларининг ижодий, эмоционал-рағбатловчи, вариатив воситаларини коллоборатив ва материалларни моделлаштириш, вариантлаш, уларнинг компонентлари ҳамда компетенцияларга дахлдор ички турларини аниқлаш орқали ўқув машғулотларининг ташкилий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи жиҳатларига интеграциялаш орқали такомиллаштиришга оид тавсиялар Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телерадиоканали “Маданий, маърифий ва бадиий эшиттиришлар” дастури орқали эфирга узатиб борилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телерадиоканали 2018 йил 4 апрелдаги 04-25-618-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг фонетик, грамматик ва лексик кўникмаларини шакллантириш имконини яратган;

кўп тиллилик муҳитида ўқувчиларнинг асосий нутқий меъёрларни тушуниш кўникмалари ўқиш ва тинглаб тушунишга оид машқ турларини ўзлаштиришга оид интерферентив компетенциясининг шаклланганлик даражаси прагматик, лексик-семантик, коммуникатив, психофизиологик, ўқувчиларнинг форматив ва диагностик баҳолаш мезонлари ҳамда самарали машқлар тизимини интегратив ёндашув орқали такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-197 рақамли “Инглиз тили ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 89-03-3343-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг инглиз тилидаги фонетик компетенцияларини шакллантириш имкониятини янада оширган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та ҳалқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 9 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Кўп тиллилик муҳитида умумтаълим мактаби ўқувчиларининг интерферентив компетенциясини шакллантиришнинг лингводидактик асослари”** деб номланган биринчи бобида кўп тиллилик муҳитида ўқувчиларнинг интерферентив компетенциясини шакллантиришнинг дидактик, лингвопсихологик жиҳатлари, бу борадаги назарий қарашлар ўрганилган, ўқувчилар нутқ фаолияти турларида учрайдиган типик интерферентив хатолар таҳлил қилинган, уларни бартараф этиш учун ўқувчиларда интерферентив компетенцияни шакллантириш ижтимоий-педагогик зарурат эканлиги ёритилган.

Интерференция лотинча “inter” - орасида, ичида, “ferentis” - кўчирувчи маъноларини ифодалаб, таълим соҳасида салбий таъсир кўрсатиш, тўсқинлик қилиш, ғов бўлиш, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда салбий натижа бериш маъноларини англатади. Интерференция атамаси дастлаб XIX асрда ёш грамматикачилар томонидан қўлланган бўлиб, Прага лингвистик мактаби аъзолари тилларни интенсив ўрганишга тўсиқ бўладиган ҳодисаларни аниқлаганлар. Бироқ ушбу термин У.Вайнрайхнинг “Тил алоқалари” номли китоби нашрдан чиққандан сўнггина, яъни XX асрдан бошлаб кенг қўлланила бошланган. Интерферентив компетенция бир тилдаги тил бирлигининг бошқа тилда тизимли қўллай олиш лаёқати сифатида тавсифланади. П.Копэнснинг

таъкидлашича, компетенциянинг ушбу тури тил компетенциясининг меъёрдан чекинувчи яширин шакли сифатида намоён бўлади. М.Парадис эса интерферентив компетенцияни статик интерференция деб ҳисоблайди.

Хорижий мамлакатларда кўп тиллилик муҳитида тилларни ўқитиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган, махсус моделлар ҳам яратилган. Жумладан, немис олими Б.Хуфайзен томонидан ишлаб чиқилган "Фактор модели"да биринчи хорижий тил (1ХТ) билан ўрганилаётган иккинчи хорижий тил (2ХТ) ўртасида юз берадиган интерференция ҳолати ўзаро қиёсланиб, 1ХТ билан 2ХТни ўрганиш орасидаги фарқ 2ХТ билан 3ХТ ўрганишдаги тавофутдан юқори эканлиги, бунда 1ХТни ўрганаётган ўқувчиларнинг тил ўзлаштириш тажрибаси камлиги сабабли 2ХТни ўрганишлари қийинроқ кечиши таъкидланади. Ушбу моделда 2ХТни ўрганиш 1ХТни эгаллашга нисбатан осон кечишининг боиси 1ХТни ўзлаштиришда эгалланган кўникма ва малакалар кейинги тилларни ўрганишга ёрдам бериши таъкидланади. Бу тилларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда юзага келган тил тажрибалари интерферентив компетенцияни шакллантириш учун психологик омил бўлиб хизмат қилишини кўрсатади.

Бугунги кунда кўп тиллилик муҳитида тилларни ўрганишда юзага келадиган тиллараро интерференция ҳодисасини нафақат лингвистик ва методик, балки социолингвистик, педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш ижтимоий заруратга айланди. В.Виноградов ўз вақтида лингвистик жиҳатдан тиллараро интерференция бир ёки ҳар бир тилнинг ўзаро алоқаси жараёнида тил ўрганувчиларда мавжуд тил меъёрларидан чекиниш ҳодисаси эканлигини таъкидлаган эди. Хорижий тилларни қиёсий ўрганишга бағишланган қатор тадқиқот ишлари интерференция ҳодисаси асосан назарий-типологик жиҳатдан кўпроқ ўрганилганини, педагогик жиҳатдан эса кам тадқиқ этилганини кўрсатади. Типолог Ў.Юсуповнинг "Қиёсий лингвистикада ҳар томонлама ўрганилган интерферентив жиҳатлар фақат педагогик планда тадқиқ ва тадбиқ этилганидагина амалий аҳамиятга молик бўла олади" деган эътирофи масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Олимнинг инглиз ва ўзбек тилларининг қиёси бўйича тадқиқот ишларида назарий қиёслашларнинг ўзи иккинчи тилни ўқитиш учун етарли эмас деб ҳисобланиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари бу масаланинг педагогик томони ниҳоятда муҳимлигини исботлайди.

Маълумки, ҳар қандай чет тилини эгаллаш муайян тил тажрибаси асосида амалга оширилади. Психология фанида ўзга тилни ўрганаётган шахс ихтиёрсиз равишда она тилида мустаҳкамланган нутқий муомала қоидалари меъёрларини ўрганилаётган тилга кўчириши ўрганилади. Демак, иккинчи тил таълимида тиллараро қиёслаш ихтиёрсиз равишда юзага келадиган психолингвистик қонуният бўлиб, бунда она тилининг таъсири мунтазам сезилиб туради ва бу таъсирни бартараф этиш мушкул вазифа ҳисобланади. Муаммонинг ечимини топиш учун тил ҳодисаларининг қиёсига тасодифий фаолият сифатида қарамай, уни педагогик нуқтаи назардан аниқ мақсадга томон йўналтириш кераклиги

кўпчилик олимлар томонидан таъкидланиб келинмоқда. Т.Заграевскаянинг фикрича, кўп тиллилик муҳитида тилларни ўрганишда педагогика фани ўқувчиларнинг умумий интелектуал даражасини ва билимларнинг эгалланганлик даражасини аниқлашга ёрдам беради. С.Мисиров таъкидлашича, республикамизда ўқувчиларнинг тил тажрибаси, асосан, уч тилдан йиғилган билим, кўникма ва малакалар мажмуасидан иборат бўлиб, уларнинг қўлланиш кўлами масалалари педагогиканинг тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили асосида ўрганилади. Кўп тиллилик муҳитида интерферентив компетенцияни тиллар таъсирида юзага келадиган хатоларни мустақил бартараф эта олиш лаёқати деб таърифлашга асос бўлади. Тадқиқот жараёнида интерферентив компетенцияни шакллантиришда она тили ва хорижий тилларнинг генетик келиб чиқиши ва тузилиши натижасида юзага келадиган тиллараро фарқ қанча кўп бўлса, интерферентив хатолар ва қийинчиликлар ҳам шунча кўп бўлиши, уларнинг юзага келиш эҳтимоли ҳам ортиб бораверишн аниқланган.

Республикамизда кўп тиллиликнинг ўзбек-рус-инглиз, ўзбек-рус-қозоқ, ўзбек-тожик-рус, ўзбек-туркман-рус, ўзбек-қорақалпоқ-рус, ўзбек-рус-немис, ўзбек-қирғиз-рус, ўзбек-уйғур-рус каби турлари кенг тарқалган. Француз тадқиқотчиси Ф.Виёмнинг статистик маълумотларига кўра, аҳолининг 85,68%и ўзбек тилида, 9,75%и рус тилида, 1,96%и қорақалпоқ тилида, 1,28 %и тожик тилида, 1%и қозоқ тилида, 0,18 %и туркман тилида ва 0,15%и қирғиз тилида сўзлашадиган Ўзбекистонда кўп тиллиликнинг ўзига хос муҳити мавжуд бўлиб, кўпчилик камида икки ёки уч тил соҳиби бўлгани туфайли ихтиёрсиз интерференция ҳодисасига дуч келадилар. Кўп тиллилик муҳитида интерференция ҳодисасининг лингвистик, психологик, педагогик ва методик хусусиятлари билан яхши таниш бўлиш ва тил ўрганувчиларни интерферентив хатолар ва қийинчиликлар ҳақида олдиндан огоҳлантириб бориш ўқувчиларда муайян интерферентив иммунитет ҳосил қилишга ва интерференциянинг юз бериш эҳтимолини камайтиришга ёрдам беради.

Таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг педагогик конуниятлари интерферентив компетенцияни шакллантиришда таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари, кўргазмалилик, мунтазамлик, таълим ва амалиёт бирлиги, онглилик ва фаоллик, тизимлилик ва изчиллик каби қонуниятларга таяниш кераклигини талаб қилади. Тадқиқот ишида лингвистик интерференция турлари педагогик тавсифланган ва дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи жиҳатлари билан боғлиқлиги ёритиб берилган (1-расмга қаранг).

Лингвистик интерференция тил бирликларининг пайдо бўлишига кўра (эксплицит ва имплицит), ҳар икки тил соҳибларининг нутқни тушуниш даражасига кўра (кучли, ўртача, кучсиз), тил ўрганишда таъсир этувчи омилларга кўра (ички ва ташқи), тил материалларининг тўқнашувидан келиб чиқадиган салбий таъсирига кўра (фонетик, грамматик, лексик) турларга бўлинади ва бевосита дарснинг таълимий жиҳати билан боғлиқ бўлади. Дарснинг тарбиявий жиҳати лингвомаданий ва ижтимоий-маданий турларга

бўлинадиган маданиятлараро интерференция билан, ривожлантирувчи жиҳати эса методик интерференция билан боғлиқ бўлиб, улар таълим мақсади (амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи), таълим шароити (таълим муассасаси тури, тил ўрганувчиларнинг ёш хусусиятлари, тил тажрибалари, тил ўрганиш муддати), таъл[illegible]зулари, малакалари, тил материаллари) ва



1-расм. Тил интерференцияси турларининг педагогик тавсифи

таълим методларини ўз ичига олади.

Қайд этилган интерференция турлари тилларни ўрганишда интерферентив хатоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Тилларароо интерференция турларида учрайдиган фонетик ва грамматик типик хатоларни умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш мисолида таҳлил қилиш тил ўрганишнинг бошланғич даврида нотаниш товуш ва товуш бирикмалари талаффузидаги ҳамда интонациясидаги қийинчиликлар орфоэпик ва орфографик хатоларга олиб келиши аниқланди. Таъкидлаш лозимки, инглиз тилидаги тўғри талаффуз билан боғлиқ барча муаммолар тил ўрганувчиларнинг ўрганаётган тилларини айнан ўз она тилларига мослаштириб талаффуз қилишлари билан боғлиқ ҳолда юз беради. Инглиз тилини ўрганишда грамматик интерференцияга оид хатоларнинг келиб чиқиш сабаби инглиз ва ўзбек тилларининг генетик жиҳатдан қариндош тиллар эмаслиги ва турли тузилишли тиллар гуруҳига мансублигидан бўлиб, ушбу хатоларни бартараф этиш интерферентив компетенцияни шакллантириш эҳтиёжини туғдиради. Бу эса ушбу хатоларнинг юзага келиш сабабларини тушунтириш, уларнинг олдини олишга қаратилган машқ ва топшириқларни бажартириш, ўқувчиларда интерферентив иммунитетни шакллантириб бориш орқали амалга оширилади.

Диссертациянинг **“Кўп тиллилик муҳитида умумтаълим мактаби ўқувчиларининг интерферентив компетенциясини шакллантириш механизми”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларида интерферентив компетенцияни шакллантириш механизмини педагогик жараённинг ташкилий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи босқичларида жорий этиш тавсифланди (2-расмга қаранг):

Мазкур механизмнинг ташкилий жиҳатида ўқитувчининг дарсгача бўлган фаолиятида интерференцияни юзага келтирадиган омиллар, ўқувчиларнинг тил тажрибаси, улардаги мавжуд кўникма ва малакалар, ўқувчиларнинг тил тажрибаси билан ўрганаётган тили ўртасидаги тафовутлар, юзага келиши мумкин бўлган интерферентив хатолар, қийинчиликлар ҳақида маълумотларга эга бўлиши ва ўқувчиларни интерференцияни юзага келиш эҳтимоли ҳақида олдиндан огоҳлантириб боришга тайёргарлик кўриши кўзда тутилган. Таълимий жиҳатда ўқитувчининг бевосита дарс жараёнидаги фаолияти, хусусан, дарсликлардаги мавжуд имкониятлардан ҳамда фонетик ва грамматик интерференция турлари бўйича ишлаб чиқилган машқ ва топшириқлар тизимидан самарали фойдаланиш йўллари баён этилган. Бунда грамматик қоидаларни тушунтиришда тил материали ва ўқувчиларининг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, индуктив ва дедуктив методлардан, фонетик билимларни тақдим этишда эса таҳлилий ва имитатив методлардан

фойдаланишга эътибор қаратилган. Тадқиқот жараёнида ўқувчиларнинг интерферентив компетенциясини шакллантириш бўйича информацион, операцион ва мотивацион машқ турларидан фойдаланилди. Информацион машқлар тил материалини англаш ва олинган билимларни мустаҳкамлашга қаратилса, операцион машқлар ўқувчиларни нутққа тайёрлашга йўналтирилади.



2-расм. Кўп тиллилик муҳитида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг интерферентив компетенциясини шакллантириш механизми

Мотивацион машқлар эса нутқ фаолиятини ҳаётий вазиятларга яқинлаштириш, эгаллаган билимларни амалий қўллаш қобилиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга боғлиқ бўлади. Тарбиявий жиҳатида эса интерферентив компетенцияни шакллантириш жараёнида шахсни тили ўрганилаётган мамлакат аҳолисининг ижтимоий ва ахлоқий меъёрларидан хабардор этишни назарда тутади. Интерферентив компетенцияни шакллантиришда ақлий тарбиянинг ўрни беқиёс бўлиб, айнан тиллар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликларни англаган ҳолда нутқда қўллай олиш ақлий тарбиянинг тўғри ташкил этилганини ифодалайди. Хорижий тилда сўзлашиш жараёнида нутқнинг равон бўлиши, тўхтамларга йўл қўймаслик, ортиқча сўзларни ишлатмаслик, сўзловчининг гапини бўлмай тинглаш ва унинг ёшига мос муомала қилиш каби эстетик тарбия унсурларини шакллантиришни ўз ичига олади. Ривожлантирувчи жиҳатда берилган тил материалини қиёсий таҳлил қилиш орқали ўқувчиларнинг ижодий тафаккур қилиш кўникмаларини ривожлантириш, тил ўрганишдан мақсад ва қизиқишидан келиб чиқиб, мантиқий фикрлаши асосида мустақил равишда табақалаштирилган гуруҳларга бирлашишлари ва берилган топшириқларни ижодий ишлаш орқали юқорироқ гуруҳларга ўтишга интилишлари кўзда тутилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўп тиллилик муҳитида бир синфда турли миллатларга мансуб ўқувчиларнинг ўқиши, уларда мавжуд тил тажрибалари ҳам ҳар хиллиги янги материални тақдим этишда ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаш, уларга мос топшириқлар бериш мақсадида табақалашган гуруҳларни ташкил этиш ва форматив баҳолаш мезонларини ўз ичига олувчи дифференциациялашган таълим технологиясини қўллашни тақозо этади. Ушбу таълим технологияси ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал-психологик жиҳатлари ҳисобга олишга қаратилган ва уларда ижодий мотивацияни шакллантиришга хизмат қилувчи инновацион таълим технологияларидан бири бўлиб, табақалаштирилган таълим деб ҳам юритилади.

Амалиётдаги ўқитиш методикаси “ўртача” ўқийдиган ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларни тил ўрганиш даражасини юқорига кўтариш, яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларни тезроқ суръатларда янги ва қўшимча материалларни ўзлаштиришини таъминлайди. Бундай дарс турларида ўқувчиларни бирдек фаоллаштириш имкони бўлмайди. Одатда, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга мавзуни якка ҳолда қайтадан тушунтириб бериш эҳтиёжини сезадилар.

Дифференциациялашган таълим технологиясида ўқув жараёни кўп вариантлилик кўринишига эга бўлиб, хусусан, бунда коллаборатив ва

индивидуал таълим технологияларидан самарали фойдаланиш ўқувчиларда интерферентив компетенцияни шакллантиришга ва ўқувчиларда ижодий мотивацияни кучайтиришга ёрдам беради. Дифференциациялашган гуруҳларни ташкил этишда фаолиятли, рефлексиф, ижодий фаоллик, креативлик, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал ривожлантириш ёндашувлари асос қилиб олинган. Бунда ўқувчилар ўзларида мавжуд тил тажрибалари, уларнинг инглиз тилини ўрганиш мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқиб, тил билиш ва мавзуни тушунганлик даражалари асосида ўқитувчи иштирокисиз “А” (юқори), “В” (ўрта), “С”(паст) гуруҳларга бўлинадилар. Ушбу технологияда ўқувчиларга дифференциациялашган топшириқларни бажартириш асосида юқорироқ гуруҳга ўтказиш, бажара олмаганлари эса пастки гуруҳларга тушириш кўзда тутилади. Ўқувчилар шу тарзда ички табақалашган гуруҳларга бўлинишгач, “А” ва “В” гуруҳлари билан коллаборатив таълим технологияси, “С” гуруҳи билан индивидуал таълим технологияси асосида ишланади. Герлах коллаборатив таълимни шахсларнинг ўзаро суҳбатлашиш асосида таълим олишга қаратилган ижтимоий ҳаракати деб ҳисоблайди. Бунда икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир мақсадни амалга ошириш учун ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қиладилар. Н.Азизхўжаева индивидуал таълим технологиясини ўқувчининг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиб ўқитиш усуллари ва суръатини танлаган ҳолда дарс жараёнини ташкил этиш, деб тавсифлайди. Ушбу таълим технологияларини қўллаш ўқувчиларнинг ўз хатоларни тушуниш, онгли равишда уларнинг олдини олиш, берилган топшириқларга ижодий ёндашиш, вариатив машқларни тўғри танлашларига, ўқитувчиларнинг эса ўқувчиларнинг фанга бўлган мотивациясини янада кучайтириш учун эмоционал-рағбатловчи воситалардан самарали фойдаланиб, уларнинг интерферентив компетенциясининг шаклланишини кўзда тутади. Дарс жараёнида қўлланиладиган прагматик, лексик-семантик, коммуникатив, психофизиологик, форматив ва диагностик баҳолаш мезонлари эса ўқувчининг ижодий мотивациясини уйғотиб, ўзлигини намоён қилиш орқали уларда интерферентив иммунитетни таркиб топтиришга хизмат қилади.

Маълумки, ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ҳосил қилишда ўйин фаолияти ҳамиша самарали натижа беради. Интерферентив компетенцияни шакллантиришда янги мавзу тақдимоти ва мавзуни мустаҳкамлаш босқичларида “Телефон”, “Омофон балиқ овига кетди”, “Югуриб ёзиш диктанти”, “Талаффуз мозаикаси” , “Тўрттаси бир қаторда”, “Бинго”, “Кичик шериклар”, “Қофиядош жуфтликлар”, “Бекат” каби ўйин технологияларидан фойдаланиш тавсия этилди. Шунингдек, дарсликларнинг мультимедиа иловаларида берилган машқ ва топшириқларни бажаришда электрон доскадан фойдаланиш ҳам самарали бўлиб, ушбу восита янги мавзуни тақдим этишда, уй вазифаларини сўраш жараёнида интерферентив хатоларни бартараф этишга катта ёрдам беради.

Тажриба жараёнида 1-9-синфлар ўқувчиларида чет тилини ўргатишда учрайдиган интерферентив қийинчиликлар, уларни бартараф қилишнинг самарали имкониятларини аниқлаш, тил кўникмаларидаги фарқлар ҳақида

ўқувчиларни олдиндан огоҳлантириш орқали уларни хато қилмасликка ўргатишга йўналтирилган интерферентив компетенцияни шакллантиришнинг ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Кўп тиллилик муҳитида ўқувчиларнинг интерферентив компетенциясини шакллантириш механизми самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг интерферентив компетенциясини шакллантириш юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари мазмуни ва самарадорлик кўрсаткичлари баён этилди. Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳридаги 204-, 200-, 283-мактаблар, Тошкент вилоятидаги 6-, 14-мактаблар, Фарғона вилоятидаги 59-мактабларда олиб борилди ва 1623 нафар респондентлар жалб этилди. Тадқиқот иши натижалари ДТС талабларига асосланган ҳолда бошланғич таълимнинг якунловчи 4-синфи ва умумий ўрта таълимнинг якунловчи 9-синфларида умумлаштирилди. Тадқиқот предмети сифатида фонетик ва грамматик компетенция олингани боис, лексик ва услубий интерферентив компетенцияга урғу бериладиган 10-11-синфлар тадқиқот объекти сифатида белгиланмади.

Аниқлаштирувчи босқичда (2017-2018 йй) дарслар кузатиш, анкета сўровномалари ўтказиш орқали мавжуд ҳолат ўрганилди. Сўровнома натижалари ўқитувчиларнинг аксарияти интерференция ҳақида тушунчага эга эмаслигини кўрсатди. Ўқувчилардан тўртта нутқ кўникмаси асосида олинган ёзма ишлар бошланғич синфларда, асосан, фонетик, 5-9-синфларда грамматик интерферентив хатоларга йўл қўйилиши аниқланди. Дастлабки назорат иши таҳлиллари қуйидаги натижаларни берди (1- ва 2-жадвалларга қаранг):

1-жадвал

4-синф ўқувчиларида интерферентив компетенциянинг шаклланганлик даражасининг дастлабки ҳолати таҳлили

Топшириқлар тури	Тажриба гуруҳи (181)			Назорат гуруҳи (183)		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	паст
Тинглаб тушуниш	56	55	70	57	60	64
Ёзиш	59	57	65	53	60	68
Ўқиш	60	56	65	53	61	69
Гапириш	68	60	53	58	65	62
Жами:	243	228	253	221	244	261
Ўртачаси:	61	57	63	55	61	65
Фоизда:	34%	31%	35%	30%	33%	37%

2-жадвал

9-синф ўқувчиларида интерферентив компетенциянинг шаклланганлик даражасининг дастлабки ҳолати таҳлили

Топшириқлар тури	Тажриба гуруҳи (185)			Назорат гуруҳи (178)		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Тинглаб тушуниш	50	85	50	53	60	65
Ёзиш	50	85	50	49	64	65
Ифодали ўқиш	51	84	50	49	62	67
Гапириш	51	84	50	54	58	66

Жами :	202	338	200	205	244	263
Ўртачаси:	51	85	50	51	61	66
Фоизда:	27%	46%	27%	29%	34%	37%

